Shirin Sadosi

8
(511)-son

14-iyul
2020

ШИРИН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ НАШРИ 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ахборот

Шаҳар кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Ширин шаҳар кенгашининг VI чақириқ тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияга Халқ депутатлари шаҳар кенгаши раҳбари Абдуғаффор Хожиматов раислик қилди.

Сессия кун тартибида "Ширин шаҳрида топонимик объектларнинг номланиши соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ширин шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида"ги қарорлари ва шаҳар ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

Ушбу масалалар юзасидан масъул раҳбарларнинг маърузалари тингланди. Сессия иштирокчилари юқорида қайд этилган қарор лойиҳалари билан яқиндан танишишди ва бир овоздан тасдиқладилар.

Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги 43/09-6-сонли қарори

Ширин шаҳрида топонимик объектларнинг номланиши соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги ("Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 41-сон, 448-модда) Қонунининг 10-моддасига асосан Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси эксперт комиссиясининг 2020 йил 12 июндаги 02-08-5684-сонли хати ва эксперт хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ҳудудидаги мавжуд ва янги ном берилаётган географик объектларнинг номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича шаҳар комиссияси раиси ўринбосари (Н.Алимова), Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (У.Норматов), шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Н.Усмонова), Ширин шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Д.Алибоева), маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига бир ҳафта муддатда номлари ўзгарган географик объектлар тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тарғибот олиб бориш, белгиланган тартибда замонавий кўринишда, лотин ёзувида пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш чораларини кўриш вазифалари юклансин.

4. Ширин шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси (З.Собиров)га:

фуқароларнинг хорижга чиқиш, кириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳудудларда географик объектларнинг номлари ўзгарганлигига алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи паспортларига номлари ўзгартирилган географик объект номлари билан ёзилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати бўлими (Ш.Абдуқундузов), "Ширин садоси" газетаси муҳаррири (О.Ашурқулов)лар номлари ўзгарган географик объектларнинг янги номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида мақолалар бериб бориш тавсия қилинсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (У.Норматов) ва шаҳар ҳокими ўринбосари (Н.Алимова)лар зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор билан боғлиқ ҳужжатлар географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясига тақдим этилсин.

Кенгаш раҳбари А.Хожиматов

2020 йил, 9 июль *Ширин шаҳри*

Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман

Сарлавҳадаги шиор остида жорий йил июнь-июль-август ойларида юртимиз маҳалларида кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Шаҳримизда ҳам бундай хайрли ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилиб, хонадон ва кўчалар, маҳаллалар обод бўлмоқда ва чирой очмоқда.

Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги 43/09-6-сонли қарорига 1-илова, 5-6-бандлари

5. Номсиз ва қайта номланадиган кўчаларни номлаш бўйича

№	Кўчалар жойлашган МФЙ номи	Кўчаларнинг "Давергеокадастр"да қайд этилган эски номи	Кўчаларни қайта номлаш бўйича таклиф этилган номлар	Кўчаларнинг танланган янги номи
1	Амир Темур МФЙ	Ибн Сино берк кўчаси	Жайхун, Шуҳрат, Мурувват	Шуҳрат
2	Нуробод МФЙ	Қаҳрамон берк (тор) кўчаси (Такрор)	Янгиобод, Равон, Ҳамжиҳат	Ҳамжиҳат
3	Фарҳод МФЙ	Аҳиллик берк кўчаси (Такрор)	Жавоҳир, Юксалиш, Роҳат	Юксалиш
4		Аҳиллик тор кўчаси (Такрор)	Фирдавс, Диёр,Орзу	Орзу
5		Беруний тор кўчаси (Такрор)	Учқун, Саодат, Нурҳаёт	Саодат
6		Беруний тор кўчаси (Такрор)	Замин, Порлоқ,Умид	Умид
7		Жозибадор тор кўчаси (Такрор)	Барҳаёт, Олмос, Севинч	Барҳаёт
8		Жозибадор тор кўчаси (Такрор)	Матонат,Шаҳристон, Бахтиёр	Матонат
9		Зиёкор берк кўчаси (Такрор)	Суғдиёна,Соҳибкор, Ибрат	Ибрат
10		Зиёкор берк кўчаси (Такрор)	Эркпарвар, Тикланиш, Янгийўл	Янгийўл
11		Зиёкор тор кўчаси (Такрор)	Барлос, Элпарвар, Қўшчинор	Элпарвар
12		Зиёкор тор кўчаси (Такрор)	Миробод, Зарафшон, Форобий	Зарафшон
13		Намуна берк кўчаси (Такрор)	Эрксевар, Гулзор, Олтинсой	Эрксевар
14		Намуна берк кўчаси (Такрор)	Замондош, Садоқат, Заковат	Садоқат
15		Мунаввар тор кўчаси (Такрор)	Зиёнур, Нафосат, Камолот	Нафосат
16		Мунаввар тор кўчаси (Такрор)	Иқбол, Сайхун, Қўнғирот	Қўнғирот
17		Мунаввар берк кўчаси (Такрор)	Азимкор, Гулшан, Фароғат	Фароғат
18		Мунаввар берк кўчаси (Такрор)	Чиғатой, Тараннум, Навқирон	Чиғатой
19		1-Номсиз кўча	Регистон, Жалолиддин Мангуберди, Шарқ юлдузи	Шарқ юлдузи
20		2-Номсиз кўча	Баркамол, Истиқбол, Обод	Истиқбол
21		3-Номсиз кўча	Саҳоват, Чароғон, Нурли истиқбол	Чароғон
22		4-Номсиз кўча	Обод турмуш, Турон, Маданият	Турон
23		5-Номсиз кўча	Афросиёб, Бодомзор, Тараққиёт	Тараққиёт
24		6-Номсиз кўча	Диёнат, Кўҳна диёр, Бинокор	Бинокор
25		7-Номсиз кўча	Сайхун, Эзгулик, Зарбдор	Зарбдор

6. Шаҳардаги мавжуд боғлар, хиёбонлар ва майдонларни номлаш бўйича

№	Эски номланиши	Номлаш ва қайта номлаш бўйича берилган таклифлар	Танланган янги номи
1	Бунёдкор МФЙдаги хиёбон (номсиз)	"Баркамоллик", "Ёшлар", "Баркамол авлод"	Ёшлар
2	Амир Темур МФЙдаги майдон (номсиз)	"Ҳарбийлар", "Ўғлонлар", "Ватанпарвар"	Ватанпарвар
3	Амир Темур МФЙдаги хиёбон (номсиз)	"Энергетика", "Бирдамлик", "Энергетиклар"	Энергетиклар
4	Фарҳод МФЙдаги "Ёшлар" истироҳат боғи	"Янги авлод", "Нурчи", "Ором"	Ором

"Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури амалда

Имтиёзли кредитлар имкониятлар яратмоқда

Тадбиркор юртга мададкор деб бежиз айтишмайди. Чинданда тадбиркор, ишбилармон инсоннинг меҳнати ортидан нафақат унинг оиласи, балки халқ ҳам, давлат ҳам наф кўради, юрт фаровон бўлади.

Бугун республикамизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Аҳолини, оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлашда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури ва шу асосда берилаётган имтиёзли кредитлар кўплаб фуқароларимизга тадбиркорликни йўлга қўйиш, ташаббус ва мақсадларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий асос бўлиб, имкониятлар яратмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси сабаб аҳоли, тадбиркорлар қийналиб қолган айни пайтда бу имкониятлар муҳимдир.

Шаҳримизда ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди идоралар вакиллари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот –ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадбирларда тадбиркорлик, кредит олиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш, шунингдек имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

"Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 94 нафар ҳамшаҳаримизга 2 миллиард 389 миллион сўм ажратилди, - дейди шаҳар Молия бўлимининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш шўъбаси мутахассиси Жаҳонгир Мўминов. -Кредит маблағлари биринчи навбатда, кам таъминланган аҳоли қатламларини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тикувчилик, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, турли маиший хизмат кўрсатиш каби йўналишларга ажратилмоқда.

-Тикувчилик билан шуғулланишни анча пайтдан буён ният қилиб келардим. Бироқ бу борада тадбиркорликни йўлга қўйиш, тикув машиналарини сотиб олиш учун маблағ масаласи ўйлантирарди, - дейди Амир Темур МФЙда истиқомат қилувчи Гулзода Маҳкамова. – Шу йил март ойида шаҳримиз агробанкидан 29 миллион сўм кредит олиб тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юбордим.

Шаҳаримиз молия бўлими ходимлари мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларимизда аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тушунча ва тавсиялар беришни давом эттириб, уларни муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Умид Бабаев,
Шаҳар Молия бўлими мудири.

Техника хавфсизлиги ойлиги

"Иссиқлик электр станциялари" АЖнинг тегишли буйруғига асосан жорий йилнинг 25 июнидан 25 июлигача энергетика тизимидаги корхоналарда "Техника хавфсизлиги ойлиги" кўрик-танлови уюштирилган. Республикамиз энергетика тизимининг байроқдор корхонаси бўлган "Сирдарё ИЭС" АЖда ҳам бу муҳим тадбир юксак савияда ўтказилмоқда.

Кўрик танловда ғолиб бўламиз

Айни кунларда станциямизда "Техника хавфсизлиги ойлиги" муносабати билан цехлараро кўрик-танлов қизғин давом этмоқда.

Барча цехлар жамоалари танловда фаол иштирок этиш, яхши натижаларга эришиш ва фахрли ўринлардан жой эгаллашни мақсад қилган.

Ғолиблар сафидан ўрин олишни ният қилган корхонамизнинг илғор цехларидан бири бўлмиш 1-Қозон-турбина цехида ҳам кўрик-танлов самарали ўтмоқда. Цехнинг 1- ва 2-бошқарув шитлари ҳамда 1-қирғоқ насос станциясида техника хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилиб, деворий газеталар чиқарилди.

Техника хавфсизлиги бурчаги

Цех комиссияси томонидан техника хавфсизлиги қоидаларини амалий ўзлаштирилишига эришиш, меҳнат, ишлаб чиқариш ва технологик интизом масалалари бўйича талабни ошириш, меҳнат шароитлари хавфсизлигини ташкил этиш каби вазифаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

"Техника хавфсизлиги ойлиги"ни талаб даражасида ўтказиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини самародор ташкил этишда цехимиз энергоблок машинистлари Рустам Эшбоев, Бунёд Джураев, Усмонали Мирахуров, смена бошлиқлари Алишер Акромов ва Элёр Маматқуловлар фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Жамоамизнинг мақсади ушбу тадбирни кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказиш ва цехлараро кўрик-танловда ғолиб бўлишдир.

Шуҳрат Холматов,
"Сирдарё ИЭС" АЖ,
1-Қозон турбина цехи муҳандиси.

Бахтсиз ҳодисалар юз бермаслиги учун

Ишлаб чиқариш корхоналарида техника хавфсизлиги, меҳнат интизоми, ишларни бехатар ташкил қилиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Бу масалаларга эътибор бермаслик, ишларни лозим даражада ташкил этилмаслиги бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришга олиб келади.

Шундай экан, станциямизда, жумладан бизнинг "Иссиқлик сув таъминоти " цехида ҳам техника хавфсизлиги қоидаларини мукаммал билиш ва унга қатъий амал қилиш асосий талабларидан бири саналади. Бу борада ҳар йили ташкил этилаётган кўрик-танловлар сабаб ишчи-ходимларимизнинг техника хавфсизлиги буйича билимлари оширилади, кўникмалари мустаҳкамланади. Кўрик-танловни ўтказилишидан мақсад ҳам шу.

Корхонамизда давом этаётган "Техника хавфсизлиги ойлиги" кўрик-танловида цехимиз ҳам фаол иштирок этиб, юқори натижаларни кўрсатмоқда. Албатта, бунда тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Цех бошлиғи ўринбосари М.Авезов, катта уста У.Бектемиров, усталар С.Ўринбоев, А.Ўлмасов, О.Холматов, О.Исроилов, Х.Мавляновлардан иборат цех комиссияси кўрик-танловни юқори даражада ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни, кундалик бажарилаётган ишларни доимий назорат қилмоқда.

"Техника хавфсизлиги ойлиги" доирасидаги чора-тадбирлар асосида олиб борилаётган кенг профилактик ишлар натижасида ишчи-ходимларимизнинг ушбу йўналишдаги билим ва кўникмалари мустаҳкамланмоқда. Бу эса иш жойларида, ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

Улуғбек Маҳмудахунов,
"Sirdaryo IES" АЖ,
иссиқлик сув таъминоти цехи бошлиғи.

Мактаб янги ўқув йилига шай

Шаҳримиз мактабларида таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, билим масканлари янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди.

"Тез, сифатли ва тежамкор таъмир" шиори остида ташкил этилган янги ўқув йилига тайёргарлик, таъмирлаш ишларида бюджет маблағларини тежаш, шунингдек таъмир учун ўқувчилардан пул йиғмаслик мақсадида ҳомийлар кўмагига суянилди.

Мисол учун, бизнинг 3-мактабимиз биноси ва синфхоналарини жорий таъмирлашга маҳаллий бюджет ҳисобидан 2 500 000 сўм маблағ сарфланган бўлса, саховатпеша ҳомий инсонлар томонидан 10 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ҳаёт-мамот масаласи, муқаддас иморат бўлган мактабга, аниқроғи эртанги кунимиз, келажагимиз бўлган ёшлар тақдирига бефарқ бўлмаган, уларнинг чуқур билим олишлари учун жон койитган, пул сарфлаган барча инсонларга мактабимиз ва жамоамиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Дилдора Умарова,
3-умумтаълим мактаби директори.

Фармон тарғиботи

Коррупцияга қарши курашда-янги агентлик

Коррупция жамиятни ич-ичидан емирувчи, турли кўринишлари билан унинг тараққиётига, равнақига ғов бўлаётган иллатдир. Бу иллат демократия ва қонун устуворлигига путур етказади, инсон ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади. Коррупция балоси ҳозирги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган, жаҳон тараққиётига болта ураётган энг глобал муаммолардан биридир. Шу боис, бу иллатга қарши курашиш масаласи барча давлатларда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда ва ниҳоятда мураккаб кечмоқда.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бироқ амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бир нечта давлат органлари фаолиятининг маълум бир йўналиши сифатида коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга ошириб келган бўлса-да, соҳани яхлит, тизимли мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи мавжуд эмас эди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозирга қадар бу иллатга қарши курашишнинг ягона, яхлит тизими яратилмаган эди. Коррупцияга қарши курашишни тўлиқ ўз зиммасига олувчи ва бу борадаги давлат сиёсатининг амалга оширилишига масъул бўлган тузилманинг мавжуд эмаслиги бу йўналишда натижадорликка эришишда салбий таъсирини кўрсатди.

Бугунги давр, ана шу жиҳатлар, бу борада янгича механизмларга асосланган тизимни жорий этишни тақоза қиляпти.

Шу нуқтаи-назардан давлатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги** фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Мазкур тузилма эндиликда соҳага оид давлат сиёсатини шакллантирадиган ва амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Янги тузилма мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлайди. Агентлик нафақат коррупцияга қарши кураш, балки унинг оқибатлари, келиб чиқиш омилларини бартараф этиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларини мувоқлаштириб боради. Яъни коррупциянинг илдизига

болта уриш учун оқибатлар билан эмас сабаблар билан курашилади ва уларга ечим изланади. Зеро, коррупцияни уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни бартараф этиш йўли билан камайтириш ёки даражасини пасайтириш мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғридан-тўғри **Президентга бўйсунади** ва **Олий Мажлис олдида ҳисобдордир.** Бу эса коррупцияга қарши кураш масалаларини сиёсий даражада ҳал этиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат – коррупциянинг олдини олишда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилади. Жумладан, агентлик коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига миллий ҳисобот боради.

Ҳужжат билан агентликнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгаланди. Маълумки, давлат хизматида коррупцияга қарши курашишнинг энг муҳим шарти – давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш ҳисобланади. Жумладан, агентликка давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларациянинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилади.

Фармон билан 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши **ички назорат тизими** ("комлаенс-назорат") жорий этилади. Ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи коррупцияни қабул қилиш миллий индекси тузилади.

Бир сўз билан айтганда коррупцияга қарши курашиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Бироқ, коррупция иллати билан курашиш фақат янги ташкил этилган шу агентликнинг вазифаси десак хато қиламиз. Бу иллат билан курашиш барчамизнинг бурчимиз, ишимиз бўлиб қолмоғи керак. Ана шундагина жамиятимиз ривожига тушов бўлаётган коррупция, порахўрлик балоларини енга оламиз.

Нозим Камолов,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси ўқитувчиси, подполковник.

ЭЪЛОН

Ширин шаҳар, Фитрат кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаро **Холиқулов Нўъмон Иномжонович**га тегишли фуқаролик паспорти йўқолган.

Топиб олганлар +99891-501-23-83 телефон рақамига қўнғироқ қилсин.

Топганга суюнчиси бор.

***

Ширин шаҳар, Шодлик кўчаси, 16-уйда яшовчи фуқаро **Эргашев Жамолиддин Худойберди ўғли**га тегишли, Ширин шаҳар ИИБ томонидан 2016 йил берилган АВ 2696115 рақамли паспорт йўқолган.

Топиб олганлар +99891-100-47-16 телефон рақамига қўнғироқ қилсин.

Топганга суюнчиси бор.

"Мусаффо табиат ва тиббий маданият–соғлом ҳаёт асоси" лойиҳаси амалда

Озон қатлами нобуд бўлса ер куррасидаги ҳаёт хавф остида қолади

Ҳозирда дунёда кечаётган экологик ва иқлим ўзгаришлари даврида глобал муаммолардан бири – озон қатламининг емирилишидир. Бу ўта муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Озон қатлами нима ўзи? Кимё фанидан яхши хабардорлар билади, Озон-рангсиз, ўзига хос ўткир ҳидли газ. Атмосферанинг озон қатлами қуёшнинг инсоният учун, умуман ер юзидаги барча ҳайвон ва наботат олами учун ўта зарарли бўлган ультрабинафша нурларини "тутиб" қолувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. Демак, озон қатлами бизни қуёшнинг зарарли ультрабинафша нурларидан асрар экан.

Атмосферада мавжуд бўлган озон миқдори 3 миллиард тоннадан ортиқ бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Озон енгил парчаланувчи хусусиятга эга ва ҳиди хлор ҳидига ўхшаш бўлади.

Инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида сайёрамизни қуёш радиациясидан ҳимоя қиладиган ушбу табиий экран – озон қатлами шиддат билан емирилиб, юпқалашиб бораётгани ҳам ачинарли, ҳам хавфли ҳолатдир. Дунё ҳамжамияти мазкур экологик муаммони ҳал этиш, озон қатламини ҳимоя қилиш мақсадида 1985 йилдан бошлаб, тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда.

Савол туғилади: Озон қатламини емирувчи қандай воситалар мавжуд? Маълумки, баланд парвоз этувчи самолётлар ва космик кемалар ҳам шундай воситалар сирасига киради. Яъни, реактив двигателлар камерасидан ажраладиган юқори ҳарорат азот оксидланишига олиб келади. Оксидланган азотнинг атмосферага чиқиши эса озон қатлами учун зараралидир. Шунингдек, мутахассислар минерал ўғитлар ҳам озон қатламини емириши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Яна бир омил ядровий портлашдир. Маълумки, бундай портлашлар оқибатида 6 минг градусгача ҳарорат ҳосил бўлади. Портлаш оқибатида келиб чиқадиган нурланиш азот оксиди пайдо бўлишига ва бу бевосита озон қатлами емирилишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор.

Электростанцияларнинг тутунли газлари ҳам азот оксиди ҳосил қилиб, стратосферага жиддий зарар келтиради. Шунингдек, озон емирилишида буғлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Энг ташвишлиси шундаки, космик кемалар, юқори товушли самолётлар парвози озон қатламига катта зарар кўрсатади. Масалан, "Шаттл" авиакосмик тизимидаги битта парвоз 10 миллион тонна азон йўқотилишига олиб келаркан.

Ҳозирги кунда озон қатламини емирадиган моддалардан асосийси сифатида фреонни айтиш мумкин. хлорли совуткичлар (фреон)ни саноат ва турмушда кўплаб миқдорда ишлатилиши натижасида озон қатлами емирилиб, озон туйнуклари ҳосил бўлмоқда. Бу жуда хавфлидир. Халқаро "Гринпис" ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда фреон ишлаб чиқариш улушининг энг кўпи АҚШ, Япония, Буюк Британия, Россия давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Халқаро ташкилот маълумотларида АҚШ тахминан 7 миллион километр квадрат, Япония 3 миллион километр квадрат ҳажмда озон қатламидан туйнук очганлиги ҳам қайд этилган.

Бундан кўриниб турибдики, озон қатламини нобуд қилувчи воситалар, омиллар кўп.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти озон қатламининг емирилиши саратон хасталикларининг ортиши, кўз катарактаси касаллиги пайдо бўлиши, ўсимликлар фотосинтези бузилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида такрор-такрор огоҳлантирмоқда. Рақамларга эътибор беринг. Озон концентрацияси 1 фоизга камайганда, ер қобиғи 15 фоиз нурланади. БМТнинг расмий маълумотига кўра, озон концентрацияси 1 фоизга камайганда дунёда 100 мингдан зиёд тери саратони билан боғлиқ касалликлар қайд этилиши хавфи пайдо бўлади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, агар озон қатлами емирилиб, буткул нобуд бўлса ер куррасида ҳаёт ҳам йўқ бўлади.

Отажон АЛИМОВ,
шаҳар Экология инспекцияси бошлиғи.

Кексалар қандай овқатланиш керак

Киши кексайгани сайин ҳазм аъзоларининг таомларни қайта ишлаш (гидролизлаш ёки ферментлар ёрдамида парчалаш) ҳамда сўриш қобилияти пасайиб боради. Организмнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжини қондиришда қийин ҳазм бўладиган гўшт ва гўшт маҳсулотлари, нўхат, ловия, мош ўрнига балиқ ва сут, қатиқ, сметана, пишлоқ каби бир мунча осон ҳазм бўладиган маҳсулотларни истеъмол қилган маъқул. Боз устига балиқ ва сут маҳсулотларидаги ёғ ҳам унчалик хавфли эмас.

Консерва билан таомланманг

Кексаларнинг ҳар хил консервалар билан таомланишини иложи борича камайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки маҳсулотларни (балиқ, гўшт, полиз ва сабзавот, мева-чевалар ва бошқалар) консерваланган ҳолига ўтказиш кўпинча кислотали муҳитда амалга оширилади. Бундай овқатларни сурункали истеъмол қилиш эса охир-оқибат қон реакциясини кислотали томонга буради. Бу ҳол кекса кишиларда қатор нохуш ҳолатлар (қон қуюқлашиши, қон шакли элементларининг бир-бирига ёпишиб капилляр қон томирларидан қийин оқиб ўтиши ва бошқаларга)га олиб келади. Бордию консервалар билан овқатланишга тўғри келганда улар кўкатлар (кўк пиёз, шивит, кашнич ва бошқалар) билан истеъмол қилинса айтилган кислотали муҳитнинг зарари камайтирилади.

Кундалик таомингиз хилма-хил бўлсин

Организмнинг барча озиқ моддаларга бўлган талабини қондириш учун кундалик таомларнинг хилма-хил бўлиши аҳамиятга эга. Масалан, доим бир хил нон ейишдан кўра арпа, маккажўхори, тариқ, сўли қўшиб тегирмондан ўтказилган ундан тайёрланган нон истеъмол қилиш организм учун макро ва микро элементлар билан таъминлашда анча фойдали. Худди шунингдек турли-туман кўкатлардан, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан салатлар тайёрлаб истеъмол қилишда уларнинг барги ва поясидан ҳам фойдаланиш (масалан, сабзи, лавлаги ва бошқалар) аҳамиятли. Лавлаги барглари инсон учун керакли маъданли моддалар, витаминлар унинг поясига нисбатан кўп бўлади.

Пала-партиш овқатланманг

Пала-партиш, шошапиша тўғри келган пайтда овқатланавериш кекса кишиларда ҳазм аъзолари фаолиятига салбий таъсир қилади. Гап шундаки, ошқозонга тушган овқат тўлиқ ичакларга ўтиб, яна овқатланиш иштиёқи пайдо бўлганида таомланиш керак. Акс ҳолда, ошқозонда овқат борлигида ёки таомланишга иштаҳа бўлмай туриб овқатланилса ҳазм аъзоларининг одатдаги фаолияти бузилади (ҳазм қилувчи ширалар тегишли таркиб ва миқдорда ажралмайди ва бошқалар). Доим белгиланган муддатда (нонушта, тушлик, кечки овқат) овқатланиш вақтга нисбатан шартли рефлекс ҳосил қилади ва шу пайтга келиб овқат қабул қилинмасада ҳазм ширалари ажралиши бошланади. Овқатни сузиш учун қилинган ҳаракатлар, товушлар (қошиқ, товоқ, чўмич, шовқини) бу жараённи кучайтиради ва ейилган овқат бенуқсон яхши ҳазм бўлади. Бу борада буюк Абу Али ибн Синонинг "Вужуд учун энг зарарли нарса меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқатланишдир", деганларида катта ҳикмат бор.

Қарияларнинг овқатланиш рациони

Ҳар бир ёши улуғ инсон сиҳат-саломатлиги, узоқ умр кўришини таъминлаши учун ёшлик даврида таомланишга нисбатан бўлган айрим одат ва ўрганишлардан (шоша-пиша, вақти-бевақт тўғри келган таомларни оз-кўп истеъмол қилиш ва бошқалар) воз кечиб таомлар таркибида сут, қатиқ, пишлоқ, балиқ, гўшт, кепаги олинмаган қора ёки жайдари нон, кўкатлар, мева-чева, резавор мевалар, полиз ва сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғларининг етарли бўлишига эришиши ва бир вақтнинг ўзида тухум, балиқ икраси, ширинликлар, оқ ун қўшиб тайёрланган пишириқлар, торт, аччиқ чой, қуюқ кофе каби озиқ моддаларни эса чекланган миқдорда истеъмол қилишга ўтиш керак. Қўй, мол чарвиси, мияси, ёғли гўшт, дудланган ва тузланган балиқ, консерваларни ниҳоятда кам миқдорда истеъмол қилиш ёки бутунлай емаслик, юқори қувватли спиртли ичимликлардан тамоман воз кечиш лозим.Таомланиш тартибига (овқатланиш вақти, миқдори, суюқликлар истеъмол қилиш қоидалари ва бошқаларга) риоя қилиш ҳам кексалар ва қариялар таомланишининг рационал бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Б.РАҲМОНОВ,
шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.

Ахлат ёқилғиси билан юрадиган автобус

Германиянинг Вупперталь шаҳрида экологик тоза автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Улар ахлатни ёқувчи энергостанциянинг водород ёқилғисига юради, дея хабар берди «Xabar.uz».

Устига-устак, сув буғини ҳисобга олмаганда ҳеч қандай чиқинди ҳам ҳосил бўлмайди. Ҳозир бир неча йўналишларда ўнлаб ана шундай транспорт воситалари ҳаракатланмоқда. Кейинги йили уларнинг сонини икки бараварга кўпайтириш режалаштирилмоқда. Ҳар бир водород автобуси 75 тагача йўловчи ташишга мўлжалланган.

Мазкур лойиҳани Европа Иттифоқи, шунингдек, Германия ва Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерлари раҳбарияти қўллаб-қувватлашган. Агар водород автобуслари ишончли ва аҳолига ёқадиган бўлса, бундай транспорт воситалари Европанинг бошқа шаҳарларига ҳам олиб келинади.

Бундан ташқари, Германияда 2018 йилдан бери водород ёқилғиси билан ҳаракатланадиган поездлар қатнамоқда. Яқинда бундай поездлар Нидерландияда ҳам пайдо бўлди.

Экологик маълумотлар

1. Тинч океанида Шарқий ахлат "қитъаси" сузиб юради. Ушбу янги "қитъа"нинг майдони 1,5 млн кв. км (Ўзбекистон майдонидан 3 баробар катта) бўлиб, уни 100 млн тоннадан ортиқ чиқиндилар ўраб олган.

2. Google атроф-муҳитга камроқ зарар етказиш мақсадида компания ҳовлисида ўсиб кетган майсаларни қиртишлаш учун 200 та эчки ва чўпон хизматидан фойдаланади. Компания эчкиларни ижарага олади.

3. Швеция чиқиндиларни сотиб оладиган давлат ҳисобланиб, чиқиндиларни қайта ишлаб чиқариб, кўп пул топиш бўйича 1-ўринда туради.

Даниялик олимларнинг аниқлашича, инсондаги кайфият унинг таомномасига боғлиқ экан. Кайфият миядаги кимёвий моддалар маҳсули ҳисобланади. Бунга серотонин моддасини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, антидепрессантлар ҳам миядаги серотонин моддасини оширади.

Яхши таом-кўтаринки кайфият

Серотонинни бахт гормони ҳам дейишади. У депрессияга тушишнинг олдини олади, иштаҳани очади, уйқу ва хотирани яхшилайди, кайфиятни кўтаради. Серотониннинг ўзи бирикма бўлиб, асосан, организм учун муҳим ҳисобланган аминокислота-триптофандан ташкил топган. Уни эса тана мустақил ишлаб чиқара олмайди ва у организмга озиқ-овқат билан киради.

Триптофан гўшт, сут маҳсулотлари, мевалар ва уруғлар таркибида кўп бўлади.

Триптофаннинг организмда керагидан ортиқ бўлиши серотонин миқдорини кучли ошириб юбормайди. Бироқ танада унинг етишмаслиги яққол сезилади ва серотонин миқдори пасайиб кетади. Натижада одам баджаҳл, серзарда, тажовузкор бўлиб қолади, хотираси пасайиб, кайфияти тушкун бўлади.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг "Мусаффо табиат ва тиббий маданият–соғлом ҳаёт асоси"номли лойиҳаси асосида тайёрланди.

Ҳидоят сари

ЗАМ-ЗАМ булоғининг сир-синоатлари

Ҳар йили ҳаж қилиш учун бир неча миллион одамлар Маккага боради. Улар миллионлаб литр зам-зам сувидан фойдаланадилар.

Бу масала мисрлик олимлардан бири Европанинг бир қатор оммавий ахборот воситаларида "Зам-зам" булоғи сувлари ичишга яроқли эмас, деган даво билан чиққанидан сўнг бошланди. Олим ўз фикрини мазкур булоқ Макка шаҳрининг марказида, асосан зах ерлардаги сувлар йиғиндисидан ҳосил бўлади, дея исботламоқчи бўлган эди. Бу хабар Саудия Арабистонига ҳам етиб боради ва давлат раҳбарияти мисрлик олимнинг даъволарини илмий асосдан йироқ эканлигини исбот қилишга бел боғлади. Бунинг учун таниқли кимёгар таклиф этилиб, унга муқаддас чашма сувларини тадқиқ қилиш ва унинг таркибини, зарур бўлса, Европанинг ўзидаги илмгоҳларда текшириб кўриш топширилди.

Маккада унга яна бир мутахассис ҳамрох бўлди, шаҳар маъмурияти томонидан бу кишига Оврўпалик кимёгарга ёрдам бериш вазифаси топширилган эди. "Зам-зам" булоғи ёнига келган муҳандисни энг аввал ушбу ҳол ҳайратга солди, бу не сиру синоатки, шу кичкинагина ҳовуз ҳар йили бу ерга келадиган миллионлаб ҳожиларнинг ташналигини қондира олса! Ҳар ҳожининг бир булоқ сувидан камида беш литрлик идишларда ўзлари билан олиб кетишларини айтмайсизми... Шундай хизматни бу мўъжаз ва муаззам манба Иброҳим алайҳиссалом даврларидан бери ўтаб турар экан-ку, тиним нима билмас экан.

Ўтказилган тадқиқотлар булоқ фаолиятида қандайдир техниканинг ёрдами борлиги ҳақидаги фикрларга ҳам барҳам берди, илло, муқаддас чашмани бир неча кунлар мобайнида ўрганган икки ҳамкор сувнинг булоқ тубидаги қумлар орасидан бир меъёрда сизиб чиқаётганига амин бўлдилар. Муҳандис сув сизиб чиқаётган ердан намуна олдида, ватанига олиб қайтди. Унинг тадқиқотлари натижаси ҳақида берган ҳисоботи у ишлайдиган илмий марказ раҳбариятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бироқ, бу ерда энди, булоқни Қизил денгиз билан алоқаси бўлса керак, деган фаразни олдинга сурдилар. Бу ҳам ақлдан ташқари фикр эди, сабаби денгиз Маккаи Мукаррамадан 75 км. узоқликда жойлашган. Бундан ташқари шаҳардаги бошқа қудуқ, ҳовуз ва булоқлар вақти-вақти билан мутлақо қуриб қолади. Бироқ муқаддас чашманинг қайнашдан толганини ҳеч кимса кўрган эмас.

Европа илмгоҳларида муҳандиснинг дастлабки, Макка шаҳрида ўтказган тадқиқотлари тасдиқланди. "Зам-зам" булоғи сувлари инсон учун ниҳоятда фойдали, шифобахш хусусиятларга эга эканлиги исботланди. Бошқа сувлардан фарқли ўлароқ, мазкур булоқдан чиқаётган оби зилолда кальций тузлари кўпроқдир. Бу сув таркибида ташналикни қондириб, руҳу жонни бардам қилувчи моддалар мўлроқ бўлгани туфайли, ҳожилар уни ичар эканлар, чарчоқлари ёзилади, руҳлари қувватланганини сезадилар. Айниқса, сув таркибида фторид моддасини ҳам мавжудлиги инсон учун бағоят фойдалилиги ва саъй-ҳаракати самарасини оширишга сабаб бўлади. Текширувлар хулосаси мисрлик олимнинг иддаосини пучга чиқарди. Тадқиқотчи муҳандис эътироф этадики, саҳронинг ўртасида бу каби шифобахш, эзгу хусусиятларга бой бўлган бўлоқ мавжудлиги меҳрибон Аллоҳнинг ҳожилар учун ато этган улуғ неъматидир.

Комилжон БУРҲОНОВ.

1. Европадаги лабораторияларнинг бирида ўтказилган тадқиқотга кўра, Замзам сувида бошқа тур сувларга нисбатан камроқ олтингугурт мавжуд экан.

2. Ўша тадқиқотга кўра, Замзам бошқа сувлардан тўйимлироқ ва минералларга бойроқ.

3. Бу сувнинг манбаси ҳали маълум эмас. Қаердан келишини замонавий технология ҳам аниқлолмаган. Яқин атрофда бирор сув ҳавзаси йўқ, денгиздан эса 80километр узоқликда. Бу шароитда сувнинг денгиздан келиши мумкин эмас. Асрлар мобайнида Замзам қандай тугамай турибди – буни ҳеч ким билмайди.

4. Замзам очқаганни тўйдиради, чанқаганни қондиради.

5. Бир ярим метр чуқурликдаги кичик қудуқдан чиқадиган сув, ҳаж мавсумида миллионлаб ҳожилар чанқоғини қондиришга етади.

6. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг эътирофига кўра, Замзам дунёдаги энг хушхўр ва фойдали сувлардан биридир.

7. АҚШда ўтказилган тадқиқотга кўра, дунёда таркибида микроорганизм ва бактериялар бўлмаган ягона сув Замзамдир.

8. Илмий исботларга кўра, ичилган Замзам суви ҳеч қачон белдан пастга тушмайди. Танадан сийдик йўли орқали эмас, терлаш билан чиқиб кетади.

2019-2020 ўқув йилида шаҳримиз мактабларида 11-синфни 227 нафар йигит-қиз тамомлади. Газетамизнинг ўтган сонларида мактабни "аъло" баҳолар билан битирган 4 нафар битирувчи олтин медалга сазовор бўлганлиги ҳақида хабар қилгандик.

"Олтин медал"ли битирувчилар

Яқинда сектор раҳбарлари, устозлар, ота-оналар ва бошқа мехмонлар иштирокида ана шу битирувчиларга олтин медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тақдимотда 2-умумтаълим мактаби битирувчилари Муштарийбону Маъруфова, Юлдуз Султонова, Мадина Абдураҳмонова ва 3-мактаб битирувчиси Нафиса Ҳусановаларга олтин медал ва фахрий ёрлиқлар тантана билан топширилди.

- Олтин медал бу юксак мукофот, билдирилган катта ишонч. Устозларимиз меҳнатини, мукофотни келгусида етук инсон бўлиб оқлашимиз керак, - дейди олтин медал соҳибаларидан бири Нафиса Ҳусанова. - Устозларимизга ҳавас қилиб ўқитувчи бўлишни ният қилганман. Тошкент Давлат педагогика университетининг бошланғич таълим йўналишига ҳужжат топширдим. Ўқишга киришга астойдил тайёргарлик кўраяпман. Насиб этса, тестларни муваффақиятли топшириб, талаба бўламан. Устозларим, ота-онам юзини ёруғ қиламан.

Олтин медалга сазовор бўлган бошқа битирувчиларнинг ҳам орзулари юксак, мақсадлари улуғ.

Тадбир давомида фидойи ўқитувчилар, фаол ота-оналар ҳам рағбатлантирилди. Шаҳар ҳокими А.Хожиматов олтин медал соҳибалари ва барча битирувчиларга олий ўқув юртига кириб, етук мутахассис бўлиб етишишларида муваффақият тилади.

ДИЛДОРА ЮЛДАШЕВА.

Ўқиш, ўрганиш, ўсиш - инсон эҳтиёжларидир

Биз болаларнинг хатти-ҳаракатини кузатар эканмиз, табиатимизда умр бўйи ўқиш, ўрганиш ва ўсишга эҳтиёж катта эканлигини ҳис киламиз. Ёш болалар ҳаракатларида нималарнидир ўрганиб, одатланиб боради. Улар ҳар қандай саргузаштга тайёр туришади ва борлиқни тасаввурларидагидек ўйлашади.

Инсонлар эҳиёжларини қондириш йўлида аниқ ҳаракат қилишар экан, ўзларида қўшимча тарзда куч-қувват пайдо бўлаётганини сезиб туришади.

Сиз ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган, ҳеч нарсага қизиқмаётган, айни дамда китоб ўқимайдиган ўсмирларни бир кузатиб кўринг. Бундай ёшлар ўқиш ва ўсишдан тўхтаб қолишган. Ўсиш деганда факат бўй чўзилиши назарда тутилмайди. Ўсиш – бу ҳам маънавий, ҳам жисмоний ривожланиш, ақл ва билимнинг такомиллашувини англатади. Шу нуқтаи назардан ўқиш, ўсиш, ўрганишдан тўхтасак, ҳаётимиз маъносиз ва бўшлиқдан иборат бўлиб қолади. Кўпроқ китоб ўқиш – ўсиш сари кўйилган биринчи кадамдир. Доим китоб мутолаа қилишни ўзига одат қилган инсоннинг, маънавияти ва фикрлаш доираси кенгайиб боради. Бу эса маънавий етукликка чорлайди. Китоб янги билимларни беради, дўстлашади ва ажойиб фантазия дунёсига олиб боради! Китоб инсонда янги туйғуларни уйғотади. Бироқ, кўп нарса одамга боғлиқ. Ҳамма нарсани ўқимаслик эмас, балки китобларни пухта танлаш муҳимдир.

Азиз тенгдошларим! Инсон умрининг баҳори бўлмиш ёшлик фаслининг фурсатларини ғанимат билинг. Бир лаҳзасини ҳам зое ўтказманг. Китоб ўқинг, ўрганинг, билимингизни оширинг ва эл-юртимиз кутган, Ватанга муносиб инсон бўлиб етишинг.

Дилдора Юлдашева,
Москва"Молия ва саноат" университетининг "Иқтисодиёт" факультети III босқич талабаси.

СИЗ УЙДА ҚОЛИНГ

Оллоҳим синар бугун бардошинг,
"Оллоҳим" деб эг бу мағрур бошинг,
Халқи учун ёниб яшар юртбошинг,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.
Яратган эгамга дуо қилайлик,
Ҳар бир отган тонгга шукур қилайлик,
Беморлар дардига шифо тилайлик,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.
Қасамига содиқ доим шифокор,
Шифосидан соғаймоқдадур бемор,
Халатидек қалби оқдур беғубор,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.
Уйда зерикмайсан кўлга китоб ол,
Бобо-момонг ғанимат дуосини ол.
Болангни қалбига меҳр нурин сол,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.
Бу мушкул кунлар ҳам ўтиб кетади,
Ҳамма мурод-мақсадига етади,
Юртимиз янада яшнаб кетади,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.
Халқин ғамин ейди доим сарбонинг,
Саҳоватпешадир ҳар тадбиркоринг,
Эл-юрт учун таъзимда Пардахолинг,
Синовли кунларда сиз уйда қолинг.

Пардахол Бабаярова,
Нуробод МФЙ.

Сабоқ

ОТАСИНИНГ "КУЧИ"

Ўқитувчиси илк бора мактабда танбеҳ берганда унга гап қайтариб, тўполон қўтариб, отасининг "кучи" билан ишдан ҳайдаттирди.

Ўқишга қабул қилишмаганда отасининг "кучи" билан қўшимча контрактга тушиб, ўқий бошлади.

Университетдан ҳайдашмоқчи бўлганда отасининг "кучи" билан амалаб тикланиб, диплом олди.

Қайси ташкилотга бормасин, суҳбатдан ўтолмай, ахийри яна отасининг "кучи" билан ишга жойлашди.

Аммо билимсизлик қилиб, каттагина жиноятга қўл уриб қўйгач, отасининг "кучи" уни панжаралар ортидан чиқариб олишга етмай қолди...

(ҳазил шеър)

Хуррак

(Хуррак отувчилар ўқимасин)

Тингланг дўстларим, айтайин шуни,
Хизмат сафарига бордим бир куни,
Ҳамхонам бўлди Ғиёс ва Мансур,
Иккиси ҳам хурракчи экан-да қурғур.
Бири қўйиб бири олиб кетаркан,
Тракторнинг овози қолиб кетаркан.
"Ухлай" деб, "ҳа-а" кўрдим фойда бўлмади,
Сабрим тўлди, лек хуррак тинмади.
Бирин сен дедим, бирин сизладим,
Тинч ухлаш учун кўп чора изладим.
Мансур, Гиёс дастидан уйқум бузилди,
Эртасига уйқусираб кўзим сузилди.

Абдукарим Усмонқулов,
Шаҳар Тиббиёт бирлашмаси шифокори

"SHIRIN SADOSI"

320- sonli buyurtma.
Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 1 bosma taboq.
Adadi: 1400 nusxa.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.

MUASSIS:
SHIRIN SHAHAR HOKIMLIGI

Sirdaryo viloyati matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2011 yil 12-dekabrda 10-039 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Muharrir:
Obloqul ASHURQULOV.

ISSN 2181-5720
Bosishga topshirildi - 20.00.
Bosishga topshirilish vaqti - 20.00.

Gazeta «NISO POLIGRAF» sho`ba korxonasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: O'rta Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash'al mahallasi, markaziy ko'chasi 1-uy.

Dizayner: *Akmal IGAMBERDIYEV.*
Navbatchi: *Dildora YULDASHEVA.*

MANZILIMIZ:
120219, Shirin shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 20-uy
Tel.: 0367-764-30-91
E-mail: shirinsadosi@inbox.uz

Obuna indeksi — 446
Sotuvda erkin narxda.